

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ
ВАЗИРЛИГИ**

**АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ**

**ИЖТИМОЙ ИШ ЭТИКАСИ
ВА ҚАДРИЯТЛАРИ**
фанидан маъруза матни

ТОШКЕНТ - 2010

Ш.Қодирова, С.Ўтанова, С.Ўтанова «Ижтимоий иш этикаси ва қадриятлари» фанидан маърузалар матни (магистратура талабалари учун): Т.: ТДМИ, 2010, 86 б.

“Ижтимоий иш этикаси ва қадриятлари” фанидан маърузалар мажмуаси Абдулла Ўодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтининг «Оила ва болалар билан иштимоий иш» кафедрасида тайёрланди. Мажмуа маърузалар, тест саволларидан иборат бўлиб, талабаларнинг маъруза, семинар ва амалий машғулоти дарсларига мустақил тайёргарлик кўришини ҳамда ўзининг билим сифатини назорат қилишини таъминлайди.

Ушбу “Ижтимоий иш этикаси ва қадриятлари” фанини ўрганадиган барча олий ўқув юрти магистратура талабалари учун мўлжалланган.

Мазкур маърузалар матни «Оила ва болалар билан олиб бориладиган ижтимоий иш» мутахассислиги мўлжалланган бўлиб, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг яратилиши, ҳуқуқий давлат ҳамда демократик жамият асослари яратилаётганлиги ижтимоий фанлар ривожига алоҳида эътибор бериш заруриятини кун тартибига қўйди. Бу фан фақатгина ҳозирги кунда юз бераётган ижтимоий жараёнлар аҳволига тўлақонли баҳо бериш билан чекланмасдан, ижтимоий ҳолатларнинг истиқболий ўзгариш даражалари хусусида ҳам аниқ башоратлар ишлаб чиқади. Бугунги кунда миллий истиқлол йўлидан изчил бораётганимиз, умумий ривожланиш йўлида Ўзбекистонга хос ва мос беш устувор тамойилларга асосланиб ҳаракат қилинаётганлиги жамиятимизнинг турли соҳаларини атрофлича ўрганиб боришни, жамоатчилик фикрини ўрганишни, илмий асосланган социологик таҳлил ҳамда хулосаларни илгари суришни тақозо этмоқда.

Тузувчилар:

**катта ўқитувчи Ш.Қодирова
катта ўқитувчи С.Ўтанова**

Такризчилар:

**Социология фанлари доктори, профессор
Алиқориев Н.**

**Социология фанлари номзоди
А.Норбеков**

КИРИШ

Мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар – Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини эълон қилиши, ўтмиш тарихимизнинг, миллий анъана ва кадриятларнинг тикланиши муносабати билан ижтимоий фанлар, жумладан, “Ижтимоий иш этикаси ва фадриятлари” фани олдида янги вазифалар пайдо бўлди. «Фаннинг вазифаси келажагимизнинг шакли-шамойилини яратиб бериш, эртанги кунимизнинг йўналишларини, табиий қонуниятларини, унинг қандай бўлишини кўрсатиб беришдан иборат, деб тушунаман. Одамларга мустақилликнинг афзаллигини, мустақил бўлмаган миллатнинг келажаги йўқлигини, бу табиий бир қонуният эканини исботлаб, тушунтириб бериш керак. Фан жамият тараққиётини олға силжитувчи куч, восита бўлмоғи лозим» деб таъкидлаган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» номли рисоласида. Бу фикрлар “Ижтимоий иш этикаси ва кадриятлар” фани учун ҳам методологик аҳамият касб этади. Мафкура соҳасида, гўзаллик қонуниятларини тушуниш ва тушунтириш соҳасида изланишлар давом этмоқда.

Мазкур ўқув қўлланма Ижтимоий иш факултети талабалари учун мўлжалланган бўлиб, унда “Ижтимоий иш этикаси ва кадриятлар” фанининг айрим муаммолари ёритилган. Унда “Ижтимоий иш этикаси ва кадриятлар”нинг тадқиқот объекти, вазифалари, жамият ҳаётида тутган ўрни таҳлил этилади. Ахлоқий ва эстетик тафаккур тараққиётининг асосий босқичлари кўрсатиб ўтилади. Ахлоқнинг келиб чиқиши ва моҳияти, унда ихтиёр эркинлигининг аҳамияти, ахлоқнинг таркибий тузилиши масалалари таҳлил этилади. Этика фани категориялари, ахлоқий тамойиллар ва меъёрлар моҳияти очиб берилади. Бўлажак ижтимоий иш ходимлари учун муҳим бўлган ахлоқий маданият ва шахс ахлоқий тарбиясига кенг ўрин берилади. Қўлланманинг ўзига хос томони – унда ижтимоий муносабатларда этика ва унинг асосий муаммоларига алоҳида эътибор берилади.

Воқеликка эстетик муносабатнинг моҳият-мазмуни, асосий йўналишлари очиб берилади. Шунингдек, эстетик онг, унинг тузилиши, эстетик онг таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Эстетик онг ва эстетик фаолият тушунчалари ўзаро боғлиқ бўлиб, эстетик фаолият эстетик онг асосида вужудга келади. Ўқув қўлланмасида эстетик фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларига эътибор қаратилади. Эстетика фани категориялари: гўзаллик ва хунуклик, улуғворлик, фожиалилик ва кулгилилик категориялари мазмуни очиб берилади. Шунингдек, санъат муаммосига ўзига хос тарзда ёндошилади. Санъатнинг вужудга келиши, ижтимоий онг шаклларида бири эканлиги, санъат турлари кўрсатиб берилади.

Мазкур ўқув қўлланмасида маъруза матнлари, адабиётлар рўйхати, таянч тушунчалар ва тестлар тавсия этилади.

Мавзу: “Ижтимоий иш этикаси ва қадриятлари” фанининг предмети, мақсад ва вазифалари

1. “Ижтимоий иш этикаси ва қадриятлари” фани предмети ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Ахлоқ ва ҳуқуқ муносабатлари.

Қадимги юнон файласуфи Аристотель ўз даврида мавжуд фанларни таърифларкан, уларни учта гуруҳга ажратади: назарий фанларга фалсафа, математика, физикани; ижодий фанларга санъат, бадий ҳунармандчиликни; амалий фанларга эса этика ва сиёсатни киритади. Шу тариқа Этика фалсафа доирасидан ажралиб чиқади ва мустақил фан сифатида шакллана бошлайди. Ҳозирги вақтда «Этика» ижтимоий-фалсафий фанлар тизимида ўзига хос ўринга эга бўлган фандир.

«Этика» (ахлоқшунослик) – ахлоқнинг келиб чиқиши, моҳияти, хусусиятлари, жамият тараққиётидаги ўрни ҳақидаги фандир. У бошқа ижтимоий фанлар сингари ўз қонунлари ва категорияларига эга бўлиб, улар орқали ўз ҳулосаларини баён қилади. «Ахлоқ» сўзи аслида арабча сўз бўлиб, ҳулқ-атвор, юриш-туриш, тарбия деган маъноларни англатади. Ҳозирги вақтда бу тушунча жамиятнинг ахлоқий ҳаётида юз берадиган барча жараёнларнинг мажмуини акс эттиради.

Жамиятнинг ахлоқий ҳаёти деб кишиларнинг ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий фаолиятида, оиласида ва кундалик турмушида юзага келадиган ўзига хос муносабатлари шаклига айтилади.

Ахлоқ тушунчасини икки хил маънода кўриш мумкин: ахлоқ умумий тушунча сифатида этиканинг тадқиқот объектини англатса, яқка тушунча сифатида инсон феъл-атвори ва хатти-ҳаракатининг ўзига хос кўринишини англатади.

Хусусан «одоб», «ҳулқ-атвор» маъноларида ҳам ишлатилади. Аслида «ахлоқ» ва «одоб» тушунчалари бир-биридан мазмун жиҳатидан фарқ қилади.

А. Шер «Ахлоқшунослик» китобида кўрсатишича, «Одоб-инсон ҳақида ёқимли таассурот уйғотадиган, лекин жамият ва инсоният ҳаётида у қадар муҳим аҳамиятга эга бўлмайдиган, миллий урф-одатларга асосланган чиройли хатти-ҳаракатларни ўз ичига олади.

Ахлоқ эса–жамият, замон инсоният тарихи учун намуна бўла оладиган ижобий хатти-ҳаракатлар йиғиндиси¹».

Ахлоқ инсон ва жамият ўртасидаги объектив алоқадорлик туфайли келиб чиқадиган, ҳар бир шахснинг ҳаёти ва фаолиятини бошқарадиган, тартибга соладиган принцип ва нормалар мажмуидир.

Ахлоқ ижтимоий ходиса сифатида инсоният жамияти вужудга келиши билан бир вақтда жамоалар билан шахслар ўртасидаги эҳтиёж ва

¹ А. Шер. «Ахлоқшунослик». Т., 2000 й.

манфаатларга хизмат қилувчи алоқа тарзида вужудга келиб, ўзининг тарихий тараққиётида:

- инсоннинг табиий хислатларини ўзгартирувчи, яратувчи фаолияти шаклида умуминсоний маданиятнинг таркибий қисми;

- жамиятда яшовчи ҳар бир шахсни ҳар томонлама камол топтирувчи маънавий-ижтимоий омил асосларидан бири;

- кишиларнинг ички туйғуларини, ҳиссиётларини ўстириб, умуминсоний моддий ва маънавий қадриятларини англаб етиш, уларни асраш ва келгуси авлодларга етказиб бериш йўлларида энг афзали;

- оила ва кундалик турмушда мавжуд бўлган оилавий бурч, ўзаро ҳурмат, садоқат, ор-номус каби анъаналарни наслдан-наслга, авлоддан-авлодга ўтказиш асосида давом эттириш воситаси;

- адолатли жамият куриш ва унда бой-бадавлат, тинч-тотув, бахтли яшаш ғояси сифатида мунтазам равишда ривожланиб келган ва ривожланади.

Ахлоқнинг негизини жамиятнинг таркибий тузилиши, хусусан, ундаги мулкӣ муносабатлар, меҳнат тақсимоти, аҳолининг ёши ва уларнинг эҳтиёж ва манфаатлари белгилайди. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг асосини хилма-хил шакллардаги мулклар ташкил этаётган бир вақтда, уни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқӣ негизларини:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;

- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;

- ватанпарварликни ташкил қилади. Шубҳасизки, ана шу негизлар асосида Ўзбекистон халқларининг янгича мазмундаги маънавий-ахлоқӣ дунёси шаклланади ва қарор топади. Бу эса, ўз навбатида халқимиз ахлоқининг негизини белгилаб берадиган асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Ахлоқнинг жамият ҳаётида тутган ўрни у бажарадиган функциялар билан белгиланади.

Регулятив функцияси – ахлоқнинг асосий функцияси ҳисобланади. Регулятив функция шахс, хизмат жамоаси, давлат ва жамоат институтлари фаолиятини жамиятда мавжуд бўлган ахлоқӣ нормалар асосида бошқариб туришни англатади. Шу мақсадда бир қанча воситаларга таянади: ахлоқӣ принциплар, жамоатчилик фикри, ахлоқӣ авторитет, анъаналар, урф-одатлар ва ҳоказо. Ахлоқ нафақат алоҳида шахс, балки бутун жамиятнинг ҳам ҳулқ-атворини бошқаради.

Аксиологик функцияси (баҳолаш) – юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар қандай ахлоқӣ хатти-ҳаракат у ёки бу қадриятлар системаси орқали баҳоланади. «Ахлоқӣ-ахлоқсиз», «яхши-ёмон» нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда хатти-ҳаракатлар, муносабатлар, мотивлар, қарашлар, шахсий сифатлар баҳоланади. Ахлоқ инсон томонидан қадриятларни ўзлаштириш, уларни ривожлантиришни ҳам назорат қилади.

Информацион (билиш) функцияси- ахлоқӣ билимлар ҳосил қилишга қаратилган бўлиб, ахлоқӣ принциплар, нормалар, кодекслар ижтимоий-ахлоқӣ қадриятлар ҳақидаги информация манбаи ҳисобланади. Шу билан

бирга одатий ва экстремал вазиятларда, конфликтли ва танг ҳолатларда ахлоқий танлов масаласига эътибор қаратилади. Демак, ахлоқ оламни, инсонни, унинг моҳиятини, ҳаётининг маъносини англашга ёрдам беради.

Тарбиявий функцияси–ҳар қандай тарбия тизими – бу энг аввало ахлоқий тарбия тизими ҳисобланади. Ахлоқий тарбия ахлоқий норма, одат, анъана, умумий ҳуқ-атвор намуналарини аниқ ташкилий тизим ҳолига келтиради, ахлоқий билимларни ахлоқий ишонч-этикодга айлантиради, конкрет вазиятларда ахлоқий билим ва ишонч-этикодни қўллашда ижодий ёндашувга ўргатади. Демак, ахлоқ нафақат норма ва қоидаларга риоя қилишни, балки ўз-ўзини назорат қилишга ўргатади.

Шу ерда, ахлоқнинг алоҳида функцияларини ажратиш шартли характерга эга эканлигини қайд қилиш лозим. Чунки реал ҳаётда улар бир-бири билан уйғун ҳолда намоён бўлади. Ахлоқ бир вақтнинг ўзида бошқаради, тарбиялайди, йўналтиради ва ҳоказо.

“Этика”нинг бошқа ижтимоий-фалсафий фанлардан фарқи шундаки, у аксиологик хусусиятга эга. Яъни, ахлоқий билимлар инсоний муносабатлар ва ижтимоий воқелик ҳодисаларини баҳолаш асосида вужудга келади. Бу баҳолашнинг асосий мезони кишиларнинг «нима яхши-ю нима ёмонлиги» ҳақидаги тасаввурлари ҳисобланади. Бундай баҳолаш ҳам жамиятга, ҳам алоҳида шахсга хосдир. Шу тариқа ахлоқий қадриятлардан ижтимоий ва индивидуал тизимлар вужудга келади. Бу тизимлар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, ҳар бир инсонда турлича намоён бўлади. Шахс фаолиятида ижтимоий қадриятлар тизими устун бўлса, у ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этади, унинг дунёқарашида жамоатчилик тамойили устун бўлади. Аксинча бўлса, инсон ўзининг шахсий манфаатларини устун қўяди, дунёқарашида индивидуализм принципи устун бўлади.

Аслида ахлоқий идеаллар, тамойиллар ва нормалар кишиларнинг адолат, инсонийлик, эзгулик, ёвузлик, ижтимоий фаровонлик ҳақидаги тасаввурларидан келиб чиққан. Бу тасаввурларга мос келувчи хатти-ҳаракатлар ахлоқий деб, зид келадиган хатти-ҳаракатлар ахлоқсизлик деб эълон қилинган.

Бошқача қилиб айтганда, кишилар фикрича жамият ва шахс манфаатларига мос келадиган, инсонлар учун фойдали бўлган хатти-ҳаракатлар ахлоқийдир. Албатта, бу тасаввурлар тарихий тараққиёт давомида ўзгариб борган, турли синфлар, ижтимоий гуруҳларда турлича бўлган.

Хусусан ҳозирги вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари касб ахлоқида уч турдаги ахлоқий норма ва тамойиллар амал қилади:

1) ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари касб ахлоқининг асосий мазмунини умуминсоний ахлоқий нормалар ташкил қилади. Лекин уларнинг баъзилари, масалан; жасурлик, бурчга содиқлик, адолатпарварлик асосий аҳамиятга эга бўлади.

2) бу ерда яна фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларига хос ахлоқий норма ва принциплар амал қилади. Масалан, маълумотларнинг сир сақланиши, бошлиқлар ва бўйсунувчилар ўртасидаги ўзига хос муносабатлар ва шу қабилар.

3) Шу билан бирга ҳуқуқни муҳофаза қилишнинг фақат у ёки бу хизматига тааллуқли бўлган ахлоқий норма ва принциплардир. Мисол тариқасида фуқаролар билан ишлаш жараёнида қўлланадиган оператив хатти-ҳаракатлар қоидалари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимларига конфиденциал ёрдам берган фуқароларнинг сирини сақлаш ва ҳоказо. Бу қоидалар шакл жиҳатидан умуминсоний қоидалардан фарқ қилиши мумкин, лекин ўзининг ахлоқий мазмунини сақлаб қолади.

Хулоса қилиб айтсак бўладикки, ахлоқ ижтимоий-тарихий характерга эга. Шу билан бирга у касбий хусусиятга ҳам эга.

Жамият маънавий ҳаётининг бир-бири билан боғлиқ бўлган икки соҳаси- ахлоқ ва ҳуқуқнинг ўхшаш ва фарқли томонлари масаласи ҳозирги кунда айниқса долзарб ҳисобланади.

Шахснинг маънавий дунёси, онги ва маданияти шаклланишида ахлоқ ва ҳуқуқ алоҳида ўринга эга. Чунки улар ижтимоий муносабатлар тизими тараққиётига таъсир кўрсатадиган, шу орқали шахс онгини ривожлантирадиган муҳим ижтимоий бошқарувчи ҳисобланади.

Ахлоқ ва ҳуқуқ - инсон муносабатининг ўзаро алоқадорликда бўлган муҳим элементларидир. Уларнинг табиати жамиятдаги конкрет тарихий шароит, социал-синфий структурага боғлиқ бўлади. Демократик фуқаролик жамиятида ахлоқ ва ҳуқуқнинг ўзаро алоқадорлиги қуйидаги қонуният туфайли объективлашади – умумхалқ ҳуқуқининг ахлоқий потенциали, қонунчиликнинг ахлоқий асослари ўсиб боради.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ахлоқ - инсон ва жамият ўртасидаги объектив алоқадорлик туфайли келиб чиқадиган, ҳар бир шахснинг ҳаёти ва фаолиятини бошқарадиган, тартибга соладиган принцип ва нормалар мажмуидир.

Шундай қилиб, ҳуқуқ – нафақат сиёсий-юримдик, балки ижтимоий-ахлоқий ходиса. Жамиятнинг ҳуқуқий ҳаёти инсонпарварлик, адолат, виждон ва бурч, ор-номус, эркинлик ва масъулият каби ахлоқий ходисаларсиз ривожлана олмайди.

Ахлоқ ва ҳуқуқ муносабатларига қадим даврлардан мутафаккирлар ўз эътиборини қаратганлар. Суқрот, Афлотун, Арасту ҳуқуқий мафкурани ишлаб чиқар экан, Этикани қонунчилик билан боғлашга ҳаракат қилганлар. Рим юристлари: «ҳуқуқ урф-одатлар маъқуллаган нарсаларни тавсия қилади» деган постулатни илгари сурганлар.

Янги даврда ахлоқ ва ҳуқуқ узвий боғлиқликда олиб қаралган, ҳатто Гельвеций: ««Этика» ва «Қонуншунослик»ни мен битта фан деб тушунаман»²,-деб ёзади.

Немис классик фалсафаси намояндалари ҳам ахлоқ ва ҳуқуқ муносабатларига ўз эътиборларини қаратишган. Кант ҳуқуқ ахлоққа бўйсунди деб ҳисоблаган. Гегель фикрича, ахлоқ ва ҳуқуқ бир-бирини тақозо қилади, фарқи шундаки, ахлоқ ташқаридан бўладиган мажбурийликка йўл қўймайди.

² Гельвеций К.А. Об уме.-М, 1992. –С.156.


Аслида, ҳуқуқ инсон хатти-ҳаракатини бошқариш шакли сифатида тарихий тараққиётнинг муайян босқичида, ахлоқ нормаларидан келиб чиқади. Ҳуқуқ ўз тараққиётининг турли босқичларида ахлоқ билан деярли уйғун бўлган. Фақат вақт ўтиши билан ёзма ва шаклланган қонунчиликка айланган. Бошқача қилиб айтганда, ҳуқуқ ўз ичига ахлоқийликни қамраб олади.

Ахлоқ ва ҳуқуқнинг муносабати қуйидагиларга намоён бўлади:

- 1) бирлиги ва ўхшашлигида;
- 2) фарқли томонларида;
- 3) ўзаро таъсирида.

Ахлоқ ва ҳуқуқ ижтимоий онг шакллари сифатида умумий ижтимоий функцияни бажаради; инсоннинг жамиятдаги фаолиятини бошқаради, норматив хусусиятга эга ва фуқаролар бу норма ва принципларга амал қиладилар. Бу норма ва принциплар умумий характерга эга ва жамиятнинг барча аъзоларига тааллуқлидир.

Ахлоқ ва ҳуқуқнинг умумий томонлари



Шу билан биргаликда ахлоқ ва ҳуқуқ бир қанча фарқли томонларга ҳам эга. Бу фарқлар қуйидагиларда намоён бўлади:

Ахлоқ ва ҳуқуқнинг фарқлари

Ахлоқ	Ҳуқуқ
Нормалар ёзма характерга эга эмас, урф-одат ва анъаналарда	Нормалар аниқ формал характерга эга расмий ҳужжатларда

белгиланади.	белгилаб берилади.
↓	↓
Нормалар объектив равишда келиб чиқади.	Нормалар давлат томонидан ўрнатилади.
↓	↓
Амал қилишини таъминлаш механизми-жамоатчилик фикри	Амал қилишини таъминлаш механизми-давлат органларининг санкцияси.
↓	↓
Ихтиёр эркинлиги мавжуд.	Ихтиёр эркинлиги норматив ҳужжатлар билан қатъий чегараланади.

Ахлоқ ва ҳуқуқ ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо этувчи ҳодисалар ҳисобланади:

- 1) Ахлоқ ва ҳуқуқ, барча фуқароларнинг манфаатлари, интилишлари ва иродасини ифодалайди;
- 2) Шахс ва жамият манфаатларини уйғунлаштиради;
- 3) Миллий ва мулкӣ ҳолатидан қатъи назар ҳар бир фуқарога тенг талабни қўяди;
- 4) Ахлоқдаги тенглик принципи кишиларнинг қонун олдидаги тенг ҳуқуқли эканига мос келади;
- 5) Ҳуқуқ атвори баҳолаш учун бир хил мезонларни илгари суради: адолатпарварлик, инсоннинг табиӣ ҳуқуқларини фуқаролик ва сиёсий эркинлигини ҳурмат қилиш;
- 6) Ахлоқ ишонтириш методига асосланади, бу метод ҳуқуқда ҳам асосий метод ҳисобланади;

Демак ахлоқ ва ҳуқуқ бир-бири билан узвий боғлиқ, бири иккинчисига таъсир кўрсатадиган ходисадир.

«Этика» фани юқорида баён қилинган муаммолар билан шуғулланар экан, тараққий этиб боради. Этика ҳозирги вақтда бир қанча соҳаларга бўлиниб, ҳар бир соҳаси муайян муаммолар билан шуғулланади.

1) Умумий этика назарияси-ахлоқ, унинг табиати, моҳияти, хусусияти, таркибий қисмлари, унинг жамият тараққиётида тутган ўрнини ўрганади.

2) Тарихий этика ахлоқнинг келиб чиқишини, унинг тарихий тараққиёт қонунларини, ҳар хил ахлоқий назарияларнинг тарихдаги ўрнини, ривожланиш босқичларини ўрганади.

3) Норматив қадриятлар этикаси аниқ ахлоқ нормаларини, ахлоқий мажбурийлик талабларини, ахлоқий мерос сифатида шаклланиб авлоддан авлодга ўтиб келаётган ахлоқий қадриятлар тизимини ўрганади.

4) Касб этикаси- ҳар бир касб-хунарга хос ахлоқий норма, принцип ва сифатларни ўрганади ва ҳаётга татбиқ этади.

5) Ахлоқий тарбия назарияси-ахлоқнинг жамият талаби, эҳтиёжи ва манфаатларидан келиб чиққан ҳолда уни ҳаётга татбиқ этишнинг восита ва услубларини ўрганади.

“Этика”нинг таркибий қисмлари (соҳалари) узвий боғлиқликда бўлиб, бир-бирини тақозо этади ва тўлдириб туради.

“Этика” бошқа ижтимоий-фалсафий фанлар тизимида ўзига хос ўринга эга. “Этика”нинг “Эстетика” билан муносабати айниқса ўзига хос. Чунки инсон бирор бир фаолиятни амалга оширар экан, муайян нуқтаи назар, яхшилик ёки ёмонлик (ахлоқ) ва гўзаллик ёки хунуклик (нафосат) нуқтаи назаридан иш кўради. Яъни ички гўзаллик ва ташқи гўзаллик уйғунлигига эътибор қаратади. Шу билан бирга, санъат эстетиканинг асосий тадқиқот объектларидан ҳисобланади. Ҳар бир санъат асарида ахлоқий – тарбиявий жиҳатдан муҳим бўлган ғоялар илгари сурилади ва санъаткор бадиий образлар орқали ахлоқий идеалларни яратади.

“Этика”, шунингдек, “Педагогика” фани билан узвий алоқадорликда ривожланиб боради. Комил инсонни шакллантириш, таълим бериш жараёнларини тарбиявий жараёнларсиз, «Одобнома» дарсларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу сабабли “Этика” “Педагогика”нинг асоси ҳисобланади. Этика «Психология» фани билан алоқадор. “Психология” у ёки бу хатти-ҳаракат, феъл-атвор сабабларининг руҳий табиати ва шаклланиш шарт-шароитларини очиб беради, «Этика» эса «Психология» тадқиқ этган ходисаларнинг ахлоқий аҳамиятини тушунтиради деб кўрсатиб ўтилади А. Шернинг «Ахлоқшунослик» китобида.

“Этика” билан “Социология” инсон фаолиятини бошқаришнинг ўзига хос шакли бўлган ахлоқни ўрганади. “Социология” инсонларнинг оммавий хатти-ҳаракати ва уларнинг қонуниятларини фақат муайян ижтимоий тузум доирасидагина тадқиқ этади. “Этика” эса муайян ижтимоий тузум ёки давр доирасидан чиқиб, келгуси даврлар учун ҳам тарихий ва ахлоқий аҳамият касб этган шахсий, истисноли хатти-ҳаракатларни ҳамда уларнинг сабабларини ўрганади.

“Этика”нинг “Политология” билан муносабати ҳам ўзига хос. «Сиёсий кураш қарама-қарши ахлоқий қоидалар курашини тақозо этади. Шахсий интилишлар билан давлат (жамият) манфаатларининг мослиги, мақсадлар ва воситаларнинг пок ёки нопоклиги муаммолари ўртага чиқади» деб таъкидлайди А.Шер. Сиёсат қанчалик ахлоқийлик касб этса, шунчалик оқилона бўлади.

XX аср ўрталарига келиб “Этика”нинг “Экология” билан алоқадорлиги кучайди. Чунки вужудга келган экологик танглик вазияти инсоннинг табиатга бўлган муносабатини тубдан ўзгартириш заруратини келтириб чиқарди. Эндиликда глобал экологик муаммоларнинг олдини олиш инсоннинг табиатга нисбатан ижтимоий-ахлоқий муносабатига боғлиқ бўлиб қолди. Ахлоқий баҳолаш ва бошқариш объекти табиатнинг ўзи эмас, балки инсоннинг табиатга бўлган муносабати бўлиши керак.

Кўриб турганимиздек, “Этика”нинг жамият таракқиётидаги ўрни тобора ортиб бормоқда. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг “Этика” янгиланаётган жамиятда тобора ўз юксак мавқеини эгаллайди. “Этика” олдида янги демократик ва ҳуқуқий давлат барпо этишга киришган мамлакатимиз фуқароларининг, айниқса, ёшларнинг ахлоқий даражасига

масъуллик вазифаси ва комил инсон тарбиясини назарий асослаш вазифаси турибди. Бу вазифани фақатгина ахлоққа янгича ёндашувлар асосида амалга оширса бўлади.

Таянч тушунчалар: Этика, ахлоқ, одоб, ҳуқ-атвор, назарий этика, норматив этика, амалий этика, юридик этика, комил инсон, регулятив функция, аксиологик функция, информацион функция, тарбиявий функция, ахлоқ ва ҳуқуқ.

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура», 1-жилд, Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1996 йил.
2. Каримов И.А. «Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир». 3-жилд, Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1996 йил.
3. Каримов И.А. «Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёти кафолатлари». Ташкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1997 йил.
4. Каримов И.А. «Маънавий юксалиш йўлида». Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1998 йил.
5. Шер А. «Ахлоқшунослик». Т.: 2000.
6. «Этика». Под.ред. А.А. Гусейнова и Е.Л. Дубко. – М.: 1999
7. Борев Ю. «Эстетика» М., 1988.
8. Кобликов А.С. «Юридическая этика». – М.: 2003.
9. Кондрашов В.А., Чичина Е.А. Этика. Эстетика. Учебное пособие для ВУЗов. Ростов на Дону, 1998.
- 10.Кривцун О.А. «Эстетика». – М.: 1998.
- 11.Кроче Б. «Эстетика». – Тула.: 2000.
- 12.Умаров Э. «Эстетика». – Т.: 1995.
- 13.Букреев В.И., Римская И.Н. «Этика права». – М.: 1998.
- 14.«Профессиональная этика сотрудников правоохранительных органов». – М.: 1999.
- 15.«Эстетик тарбия асослари». – Т., 1998.
- 16.Гильберт К.Э., Г. Кун. «История эстетики». С.Пб. – 2000.
- 17.Гулыга А. «Принципы эстетики». – М.: 1987.
- 18.Зеленкова И.Л., Беляева Е.В. Этика. Учебное пособие.- Мн.:НТООО «Тетра-Системс»,1997.
- 19.Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: «Ўзбекистон», 2000 й.
- 20.Носирхўжаева Г. «Эстетика». – Т.: ТДЮИ, 2005
- 21.Радугин А. Этика. Курс лекций. – М.,1998
- 22.Умаров Э. «Эстетика». – Т.: 1995

Қўшимча адабиётлар:

- 23.Алпомиш: ўзбек халқи қаҳрамонлик достони. –Т.: Шарқ, 1998
- 24.Аристотель . Поэтика. –Т.: 1980.
- 25.Ахлоқ ва одобга оид ҳадис наъмуналари. Т. «Фан», 1990.
- 26.Баркамол авлод орзуси. –Т.: Шарқ, 1999.
- 27.Гусейнов А.А. Золотое правило нравственности. М., 1982.
- 28.Дробницкий О.Г. Понятие морали. М., 1974.
- 29.Жумабоев Й.Ш. Ўрта Осиё этикаси тарихи очерклари. Т. 1980.

Мавзу: Ахлоқнинг моҳияти ва таркибий тузилиши

1. Ахлоқнинг келиб чиқиши ва тараққиётининг хусусиятлари.
2. Ахлоқнинг таркибий тузилиши.
3. Ахлоқнинг бошқа ижтимоий онг шакллари билан алоқадорлиги.

Кўп асрлар давомида, антик даврлардан бошлаб мутафаккирлар ахлоқ ҳақида жуда кўп асарлар ёздилар. Улар ахлоқнинг моҳиятини тушунишга, тушунтиришга ҳаракат қилдилар. Ўтган узоқ тарихий тараққиёт даврида ахлоқ қуйидагича талқин қилиб келинди:

- кундалик ҳаёт ақлий тажрибаси;
- индивиднинг ўз хулқ-атворидан қониқиши;
- бурчга садоқат рамзи;
- ижтимоий стабиллик ва тартибни сақлаш воситаси;
- ижтимоий фойдани талаб қилувчи ижтимоий ҳодиса;
- жамиятда адолатни қарор топтирувчи восита;
- инсонларнинг ўзаро ҳамжихатлигини таъминловчи восита;
- виждон овозига бўйсундирувчи восита;
- инсон ҳаётининг олий маъносини англаш йўли.

Ҳар бир инсон ўзининг бутун умри давомида ўзининг қадриятлар тизимини, ўзининг хулқ-атвор, ёмонлик ва яхшилик, бахт, адолат ва бошқа ахлоқий категориялар ҳақидаги тасаввурларини такомиллаштириб боради.

Инсоният тарихида ахлоқий тараққиёт бўлган ва у давом этиб келмоқда. Бу давом этиш қатъий тадрижийликка эга эмас. У гоҳо сусайиш, баъзан эса бироз ортга чекиниш, баъзан бир қанча муддат турғун туриш хусусиятларига эгадир. Лекин катта даврлар ва тарихий оралиқларни олиб қарайдиган бўлсак, ахлоқий тараққиётнинг мавжуд эканига ишонч ҳосил қилиш қийин эмас. Мустабид тузумлар ва шахслар келтириб чиқарган ахлоқий таназзуллар ҳаммаси қисқа муддатли ҳамда ўтқинчи ҳодисалардир. Зеро инсоннинг асосий моҳияти ўзини ва ўз жамиятини тараққий эттириб бориш билан белгиланади. Ахлоқ эса ана шу тараққиётдан ҳеч қачон четда турмайди.

Инсондаги ихтиёр эркинлиги зарурият талаби билан оқилона, ақлга бўйсундирилган равишда чекланади, яъни нисбийлашади. Акс ҳолда, муайян бир, бир неча инсон ёки гуруҳнинг бетийиқ, эркин ихтиёри на фақат бошқа инсонлар ва гуруҳлар, балки наботот, ҳайвонот олами, бутун дунё учун фожеага айланиши мумкин. Ихтиёр эркинлигини бундай чеклашнинг, ақлга бўйсундиришнинг асосий воситаси ахлоқдир.

Ихтиёр эркинлиги туфайли инсон ҳар қадамда ахлоқий танлов муаммосига дуч келади. Бу муаммо кишида масъулият ҳисси мавжудлигидан далолат беради. Масъулиятни, ўзгалар ва ўз виждони олдида жавобгарликни сезмаган киши хоҳлаган ишга қўл уриши мумкин – уни ўз қилмишининг оқибати қизиқтирмайди, у фақат манфаат устиворлигини тан олади, холос.

Ундай одамни ахлоқсиз деб атайдилар. Зеро инсон ё эзгуликни, ё ёвузликни танлаши туфайли ниманидир ихтиёр этади: ахлоқий танлов – ҳар

бир хатти-ҳаракат, ҳар бир қилмишнинг ибтидо нуқтаси. Умуман инсон ва жамият ахлоқий ҳаётида танловнинг аҳамияти беқиёс.

Дастлабки ахлоқий қонун-қоидалар ана шу танловни рўёбга чиқаришга, яна ҳам аниқроқ айтганда, уни осонроқ амалга оширишга хизмат қилган. Илк ахлоқий қоида «ўзингга раво кўрмаган нарсани бошқага ҳам раво кўрма» мазмунида дунёга келган. Унинг ҳозирги замондаги ўзбекчаси «пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса ўзгага ур», «ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил» каби мақолларда акс этган. «Ахлоқнинг олтин қоидаси» деб аталган ушбу қоида, бизнингча, энг қадимий ахлоқий талаблардандир. Зеро хун олиш талаби кейинроқ пайдо бўлган ва инсоннинг асл моҳиятига тўғри келмайдиган қоидалардан. Дастлабки ахлоқий қонун-қоидалар муқаддас китобларда ўз аксини топган зўравонликка зўравонлик билан жавоб бермаслик тамойили асосида яратилган.

Ана шу, инсон ахлоқий ҳаётининг асоси бўлган қонун-қоидалар ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Одамлар уларни оғир мажбурият деб билмасдан, дил-дилдан бажарадиган замоннинг тезроқ келиши учун тинмай ҳаракат қилишлари ахлоқий тараққиётдан далолатдир.

Ахлоқнинг таркибий тузилиши мураккаб бўлиб, қуйидаги элементлардан иборат:

-ахлоқий амалиёт-ахлоқнинг муҳим ва белгиловчи компоненти бўлиб, инсоннинг хатти-ҳаракатлари орқали намоён бўлади. Фақат инсон хулқ-атворининг хатти-ҳаракатларда намоён бўлиш орқалигина унинг ахлоқийлиги ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Инсоннинг фаолияти, инсон томонидан ахлоқ нормалари ва принципларининг амалиётга татбиқ қилиши унинг ахлоқий тарбияси, ахлоқий маданиятининг кўрсаткичи ҳисобланади.

Маълумки, ҳар бир фаолиятда аниқ бир мақсадни кўзлаб, тегишли воситалар, усуллар орқали ҳаракат қилинади ва маълум натижаларга эришилади. Ҳар қандай мақсад албатта ахлоқий мазмунга эга бўлади. Бу мақсадлар маълум воситалар ахлоқий мазмунига кўра, қўлланилиши мумкин бўлган ёки мумкин бўлмаган воситаларга ажратилиши мумкин.

Мақсад ва восита мувофиқлиги муаммоси – юридик этиканинг муҳим масаласидир. Ҳозирги замон жинойт жараёнида мақсад ва восита мувофиқлиги муаммоси муайян ҳуқуқий ва ахлоқий асосда ҳал этилади. Этикада «мақсад воситани оқлайди принципи, эзгу мақсад йўлида ҳар қандай воситаларни қўллаш мумкин» – деган фикр инкор этилади. **Мақсад қанчалик эзгу бўлмасин, воситалар ҳам ахлоқий чегарада бўлиши даркор. Жинойт жараёнида қўлланиладиган воситалар қонунга кўра рухсат этилган бўлиши, ахлоқий бўлиши зарур.**

Терговчи ўз фаолиятида уч турдаги қоидаларга амал қилади: **процессуал нормалар** терговчи тергов жараёнида нима қилиши, қандай шакл ва тартибда қилинишини кўрсатади. **Криминалистика** ишлаб чиқадиган тавсиялар жинойтни тез ва тўлиқ очиш ва айбдорларни топишга ёрдам беради. **Ахлоқий нормалар** ахлоқ нуқтаи назаридан тергов

килишнинг у ёки бу йўллари қанчалик қўлланиши мумкин эканлигини баҳолаш имкониятини беради.

Терговчи дастлабки тергов вазифаларини бажариш, ўзининг профессионал вазифасини бажариш учун ахлоқий жиҳатдан шахсан масъулдир. Терговчи фаолияти унинг спецификасини инкор этмаган ҳолда, айтишимиз керакки, бутун жамият учун умумий бўлган ахлоқий нормаларга бўйсунмасдан иложи йўқ.

Баъзи бир омилларнинг терговчи фаолиятига хос махсус ахлоқий қоидалар умумий ахлоқий қоидаларни тўлдириши билан бирга, баъзи ҳолларда уларни чегаралайди, деган фикрларга эътироз билдирмай иложимиз йўқ. Терговчи фаолиятида ахлоқ нормалари ва принципларидан четга чиқишга асло йўл қўйиб бўлмайди. Қонун ҳам, жамият ахлоқий онги ҳам, тергов амалиёти эҳтиёжлари ҳам бундай хулоса чиқаришга асос бўлолмайди. Аксинча, терговчи фаолиятига юқори ахлоқий талаблар қўйилиши лозим.

Рус олими А.Ратинов ўз вақтида, терговни «кураш жараёни», деб қарашни таклиф этганди. Унинг тавсияларига мувофиқ, «руҳий қопқонлар» қўйиш, жиноят иштирокчилари ўртасида конфликт келтириб чиқариш кабилар тергов методлари сифатида таклиф этилади. Биз фақат уларни қўллашда жуда эҳтиёткорлик зарурлигини, уларнинг баъзилари «ёлғон чегарасида», «провокация чегарасида» эканлигини таъкидлашимиз зарур бўлади. М.С.Строгович фикрича, терговчи терговга объектив ёндашиши, айбланувчи айбини оғирлаштирувчи, уни оқловчи, айбини юмшатувчи ҳолатларни ҳам тўлиқ ўрганиши лозим. Терговнинг ахлоқий муҳити терговни олиб боровчи шахснинг ҳуқуқий ва ахлоқий нормаларга қанчалик амал қилишига боғлиқ. Ҳақиқатни излашдаги фаоллик ва принципааллик, объективлик ва холислик, инсонийлик, адолат, ҳақгўйлик, хушмуомалалик, қонунийлик, ишда қатнашувчи шахсларнинг ҳуқуқ манфаатларини ҳисобга олиш – терговчи фаолиятига қўйиладиган муҳим ахлоқий талаблар ҳисобланади.

Терговчи ҳар қандай шахсга нисбатан – хавфли жиноятчи бўладими, оддий жанжалкаш бўладими, рецидивист ёки маиший безори бўладими, жабрланувчи бўладими ундан қатъи назар, вазминлик, босиқлик, хотиржамлик намоён қилиши керак. Эмоционал ва ақлий вазият қанчалик кескин бўлмасин, қанчалик оғир бўлмасин, қотил, зўравон, ўғрига нисбатан нафратини ошкор қилмаслиги, шунингдек, қандай мақсад ва сабаблар бўлмасин, қўрқитиш, қўполлик, ёлғон ишлатмаслиги зарур³.

Ахлоқий муносабатлар - ижтимоий муносабатларнинг кўриниши сифатида инсонлар томонидан ахлоқий (ахлоқсиз) хатти-ҳаракатларни содир этиш жараёнида вужудга келади. Ахлоқий муносабатларнинг объектив ва субъектив томони мавжуд. Субъектив томони - бу инсоннинг қизиқишлари, ҳиссиётлари. Объектив томони эса - инсон учун императив характерга эга бўлган нормалар, идеаллар, урф-одатлар, анъаналар ва бошқа ижтимоий факторлар ҳисобланади.

³ Кокорев Л.Д, Котов Д.П. Этика уголовного процесса. Учебное пособие. Воронеж, 1993, 46-бет

Кишилар ахлоқий муносабатга киришар эканлар, ўз зиммаларига муайян ахлоқий мажбуриятларни оладилар ва муайян ахлоқий ҳуқуқларга эга бўладилар.

Ахлоқий муносабатларнинг шаклланган тизими мавжудлиги ижтимоий гуруҳ (хизмат жамоаси)да мўътадил ахлоқий руҳий иқлимни белгилайди. Хизмат жамоаларидаги ахлоқий муносабатлар 3 даражага бўлинади:

- 1) бошлиқлар ва бўйсунувчилар ўртасидаги ахлоқий муносабатлар;
- 2) ҳамкасблар ўртасидаги ахлоқий муносабатлар;
- 3) фуқаролар билан бўладиган ахлоқий муносабатлар;

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш таркибига кирган ҳар бир идорада бу муносабатлар ўзига хос тарзда намоён бўлади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг ахлоқий муносабатлари бевосита уларнинг ҳуқуқий муносабатларида намоён бўлади. Бу бирлик ахлоқ ва ҳуқуқнинг, шахс билан жамият, давлат ўртасидаги ўзаро манфаатлар нисбатини тўғри белгилаши ахлоқий муносабатлар ҳамда ҳуқуқий муносабатларнинг тенглик принципи ўртасида уйғунликни таъминлаган ҳолда, барчага нисбатан бир хил талаблар қўйилишида, ҳар бир фуқаронинг ҳуқ-атворини баҳолашда асосий мезон - адолат принципининг талаблари асосида ёндашишида; ахлоқий ва ҳуқуқий тарбиянинг ишонтириш усулидан кенг фойдаланилишида яққол кўринади.

Шу билан бирга ахлоқий ва ҳуқуқий муносабатлар ўртасида фарқли томонлар ҳам мавжуддир.

1) юқорида таъкидлаганимиздек, ҳуқуқий муносабатлар давлат томонидан, ахлоқий муносабатлар эса жамоатчилик томонидан эътироф этилади ва ўрнатилади;

2) ҳуқуқий муносабатлар давлатнинг мажбурлов томонидан қўриқланади, ахлоқий муносабатлар эса ҳар бир инсоннинг ички эътиқоди, иймони ҳамда жамоатчилик таъсир кучи томонидан муҳофаза қилинади.

3) Ҳуқуқий муносабатлар давлат томонидан чиқарилган қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда ўз аксини топса, ахлоқий муносабатлар эса «ёзилмаган қонунлар» шаклида бўлади.

4) Ҳуқуқий муносабатлар қонунда белгиланган ҳуқуқ ва бурчлар орқали бошқарилади, ахлоқий муносабатлар эса умуминсоний қадриятлар асосида тартибга солинади.

5) Ҳуқуқий муносабатларни бузганлик учун давлат мажбурлов чоралари қўрилса, ахлоқий муносабатларни бузганлик учун жамоат таъсири кўрсатилади.

Ахлоқий муносабатлар ва ҳуқуқий муносабатлар узвий бирликда бўлиб, бир-бирини тўлдириб туради. Бу бирлик ахлоқий муносабатлар талабининг ҳуқуқда ўз аксини топганлигида ва ҳар қандай ҳуқуқий муносабатларнинг ахлоқий мазмун касб этишида намоён бўлади деб таъкидлайди Н.Э. Муҳаммадиев «Ички ишлар идоралари ходимларининг касб этикаси ва эстетик маданияти» китобида (Т, 1998 й 20-21 бетлар).

Ахлоқий онг - ўз ичига ахлоқий амалиёт ва ахлоқий муносабатларга таъсир кўрсатувчи билимлар, қарашлар, ҳиссиётлар, норма, принципларни

камраб олади. Шу билан бирга уят, виждон азоби, ўз хатти-ҳаракатидан ачиниш ёки қониқиш, ҳақлигини англаш каби ахлоқий ҳиссиётларни уйғотувчи ахлоқий ўз-ўзини англаш ва ахлоқий ўз-ўзини баҳолашни камраб олади.

Ахлоқий онг аксиологик хусусиятга эга, чунки ҳар бир ҳодисага муайян ахлоқий норма, принцип, анъана, қадрият, идеаллар нуқтаи назаридан ёндашади.

Ахлоқий онг ижтимоий тараққиёт жараёнида кишиларнинг ижтимоий ҳаётлари ва ижтимоий муносабатларини бошқариш эҳтиёжи туфайли келиб чиқади.

Ахлоқий онг воқеликни инъикос эттирар экан, бошқа ижтимоий онг шакллари сингари ҳақиқий ёки аксинча бўлиши мумкин. Унинг ҳам ҳақиқатлиги мезони ижтимоий практика ҳисобланади. Шу билан бирга ахлоқий онгнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд.

1) Ахлоқий онг бошқа ижтимоий онг шаклларига нисбатан кишиларнинг кундалик ҳаётидаги хулқ-атвориға фаолроқ таъсир кўрсатади. Ахлоқий қарашлар, принциплар, идеаллар инсон фаолиятига бевосита сингиб кетган бўлиб, хатти-ҳаракатга ундовчи мотивлар ҳисобланади.

2) Фандан фарқли равишда, ахлоқий онг инсонга кундалик онг, ижтимоий руҳият даражасида таъсир кўрсатади. Фақат юқори даражада ахлоқий онг илмий билим хусусиятларига эга бўлади, ахлоқий қарашлар ва идеаллар назарий билимларга айланади.

3) Ахлоқий онг, ахлоқий билимлар мажбурий характерга эга (императив характерга эга).

Ахлоқий онг икки ажралмас қисмдан иборат:

- индивидуал ахлоқий онг,
- ижтимоий ахлоқий онг,

Индивидуал ахлоқий онг таркибига шахснинг ҳис-туйғуси, фикр-мулоҳазаси киради, ижтимоий ахлоқий онг таркибига жамият томонидан ишлаб чиқилиб, ҳаётга тадбиқ этиладиган ахлоқий кодекслар, категориялар, нормалар, принциплар, ғоялар ва ҳоказолар киради.

Ахлоқ ижтимоий онг шаклларида бири сифатида жамият ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди ва бошқа ижтимоий онг шакллари билан узвий алоқадорликда ривожланиб боради.

Масалан, ахлоқ билан дин алоқадорлиги масаласида шуни айтиш мумкинки, моҳиятан дин инсон ҳаётининг ахлоқийлигини тақозо қилади. Шу боис диний – шаръий тамойиллар ва меъёрлар, ҳадиси шарифдаги ўғитлар ахлоқ-одоб қоидалари билан чамбарчас боғлиқ. Чунончи, инсон энг олий қадрият сифатида қатъий муҳофаза этилади. Дин инсонни ахлоқийлаштиришнинг воситаси сифатида иш кўради. Демак, диний тақво билан ахлоқий талабнинг илдизи бир хил.

Муайян жамиятдаги ҳуқуқий қонун-қоидалар ўша минтақа халқи томонидан асрлар мобайнида ишлаб чиқилган ахлоқий қоидалар, тамойиллар, меъёрлар, шунингдек, нисбатан умумий хусусиятга эга бўлган урф-одатлар замирида вужудга келади. Ҳуқуқий қонунлар мавжуд тузумга,

муайян шахс ва ёш доирасидаги кишиларга тадбиқ этилса, ахлоқий қоидалар, ҳикматлар, панд-ўғитлар барча тузумлар ҳамда турли ёшдаги кишиларга тааллуқли бўлади.

Ахлоқ билан санъатнинг ўзаро алоқалари ҳам жуда қадимий. Ҳар бир ҳақиқий санъат асарида асосий зиддият эзгулик билан ёвузликнинг кураши инъикос этади, инсонпарварлик, ҳақиқатғўйлик, тўғрилиқ, адолат, муҳаббат, садоқат сингари фазилатлар тараннум этилади, тақдир, ўлим ва ўлмаслик, ҳаётнинг мазмуни, бахтга эришиш сингари муаммолар ўртага ташланади. Ахлоқий идеал муаммоси ҳар бир бадиий асарда илгари сурилади.

Умуман олганда, ахлоқсиз бадиий асарнинг бўлиши мумкин эмас, барча санъат асарлари учун ахлоқийлик умумий замин аҳамиятига эга.

Бундан ташқари санъат ахлоқшунослик тарғиботчиси, ахлоқий тарбиянинг энг қулай воситаси сифатида ҳам намоён бўлади. Чунончи, бадиий адабиётнинг, кино санъати, тасвирий санъат ва театр санъатининг, айниқса, бу борада аҳамияти беқиёс. Бу санъат турлари ёшларда ахлоқий идеални шакллантиришда катта хизмат қилади. Ахлоқнинг фан билан ўзаро алоқадорлиги масаласи ҳам муҳим.

Айниқса, ахлоқнинг ижтимоий фанлар билан алоқаси ўзига хосдир. Чунончи, кўпгина илмий қарашлар, назариялар инсонни бевосита ёки билвосита юксак ахлоқ эгаси, донишманд ва ҳалол инсон бўлишга чақиради.

Лекин айрим назариялар ҳам борки, уларни ахлоқсиз деб аташ ўринли. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, машҳур “Мальтус назарияси”. Инглиз иқтисодиёт назариётчиси Мальтус(1766-1834)илгари сурган ғояга кўра, аҳоли геометрик прогрессияга, истеъмол маҳсулотлари арифметик прогрессияга мувофиқ ривожланади. Аҳоли ўсиб бориб, ер юзида қашшоқлик, озик-овқат етишмовчилиги вужудга келади. Шу боис урушлар олиб бориш табиий ҳол сифатида ўзини оқлайди. Мальтус бу ўринда урушни тарғиб қилиш билан ахлоқсизликнинг энг юксак кўринишини намоён этмоқда.

Маълумки, барча фанлар, хусусан, табиий фанлар ҳар бири ўз соҳасида ҳақиқатнинг аён бўлишига хизмат қилади. Ахлоқнинг пировард натижаси эса инсонни ҳақиқатга олиб бориш, уни комил мавжудот қилиб тарбиялашдир. Ана шу нуқтада ахлоқ ва фан билвосита муносабатга киришади. Айни пайтда илм-фанда эришилган оламшумул ютуқлар инсоният жамияти олдида янги-янги ахлоқий вазифалар ва муаммоларни қўяди. Чунончи, сўнги пайтларда фан-техника тараққиётининг юксак даражаси ва экологик бухронларнинг юзага чиқиши сабабли экологик ахлоқшунослик сингари ахлоқ оламининг янги йўналишлари вужудга келди; ноосферадан ёки бошқача айтганда техносферадан этосферага – ахлоқий муҳитга ўтиш зарурати инсоният жамияти ахлоқий маданияти олдидаги энг долзарб вазифа сифатида қўйилмоқда. Шу боис техникавий фанлар тараққиётининг навбатдаги босқичлари фақат ахлоқ талабларига мос, таъбир жоиз бўлса, ахлоқий назорат остида амалга ошмоғи лозим.

Ахлоқ мазкур ижтимоий ҳодисалар марказида туради. У нафақат марказий ижтимоий ҳодиса, балки бошқа ижтимоий ҳодисаларни

ҳаракатлантирувчи маънавий куч сифатида намоён бўлади. Уни четлаб ўтишга интилиш ҳар қандай мафкурани таназзулга олиб боради, жамиятни том маънодаги маънавиятдан маҳрум этади. Шу нуқтаи назардан қараганда, Президент Ислам Каримовнинг: “Аслини олганда, ахлоқ- маънавиятнинг ўзаги”, деган сўзлари юқоридаги фикрларимиз учун табиий хулоса бўлиб жаранглайди. Дарҳақиқат, ахлоқ маънавият тизимидаги энг таъсирчан, энг бақувват ҳалқа, усиз одамзот маънавиятини тасаввур қилиш мумкин эмас.

Таянч тушунчалар: Ахлоқнинг олтин қоидаси, ахлоқий рационализм, эвдемонизм, гедонизм, ахлоқий интеллектуализм, ахлоқий сентиментализм, ахлоқий абсолютизм, ахлоқий релятивизм.

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

- 30.Каримов И.А. «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура», 1-жилд, Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1996 йил.
- 31.Каримов И.А. «Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир». 3-жилд, Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1996 йил.
- 32.Каримов И.А. «Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёти кафолатлари». Ташкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1997 йил.
- 33.Каримов И.А. «Маънавий юксалиш йўлида». Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1998 йил.
34. Шер А. “Ахлоқшунослик”. Т.: 2000.
- 35.“Этика”. Под.ред. А.А. Гусейнова и Е.Л. Дубко. – М.: 1999
- 36.Борев Ю. «Эстетика» М., 1988.
- 37.Кобликов А.С. “Юридическая этика”. – М.: 2003.
- 38.Кондрашов В.А., Чичина Е.А. Этика. Эстетика. Учебное пособие для ВУЗов. Ростов на Дону, 1998.
- 39.Кривцун О.А. “Эстетика”. – М.: 1998.
- 40.Кроче Б. “Эстетика”. – Тула.: 2000.
- 41.Умаров Э. “Эстетика”. – Т.: 1995.
- 42.Букреев В.И., Римская И.Н. “Этика права”. – М.: 1998.
- 43.“Профессиональная этика сотрудников правоохранительных органов”. – М.: 1999.
- 44.“Эстетик тарбия асослари”. – Т., 1998.
- 45.Гильберт К.Э., Г. Кун. «История эстетики». С.Пб. – 2000.
- 46.Гулыга А. “Принципы эстетики”. – М.: 1987.
- 47.Зеленкова И.Л., Беляева Е.В. Этика. Учебное пособие.- Мн.:НТООО «Тетра-Системс»,1997.
- 48.Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: “Ўзбекистон”, 2000 й.
- 49.Носирхўжаева Г. “Эстетика”. – Т.: ТДЮИ, 2005
- 50.Радугин А. Этика. Курс лекций. – М.,1998
- 51.Умаров Э. “Эстетика”. – Т.: 1995

Қўшимча адабиётлар:

- 52.Алпомиш: ўзбек халқи қаҳрамонлик достони. –Т.: Шарқ, 1998
- 53.Аристотель . Поэтика. –Т.: 1980.
- 54.Ахлоқ ва одобга оид ҳадис наъмуналари. Т. «Фан», 1990.
- 55.Баркамол авлод орзуси. –Т.: Шарқ, 1999.
- 56.Гусейнов А.А. Золотое правило нравственности. М., 1982.
- 57.Дробницкий О.Г. Понятие морали. М., 1974.
- 58.Жумабоев Й.Ш. Ўрта Осиё этикаси тарихи очерклари. Т. 1980.